

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК ТУШУНЧАСИННИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ

*Махмуджонов Улугбек Рахматулла угли
Андижон вилояти ИИБ молия таъминот хизмати*

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда ахолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш бўйича қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар мазмуни ва уларнинг устувор йўналишлари баён этилган. Шунингдек молиявий саводхонликка бағишлиланган ва хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишлари таҳлили амалга оширилган. «Молиявий саводхонлик» тушунчаси молиявий қарорларни қабул қилиш имконини берувчи молиявийиқтисодий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш асосида, уларнинг таркибий қисмлари тавсифланган ҳолда тафсил қилинган. Молиявий саводхон лик йўналишлар бўйича гурухланган. Шу билан бир қаторда мамлакатимиз ахолисининг молиявий саводхонлигини шакллантириш ва унинг амалга ошириш механизмини яратиш ва унинг самарадор лигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Асосий тушунчалар: молиявий саводхонлик, молиявий билим, молиявий кўникма ва малака, молиявий саводхонлик мезонлари, молиявий компетентлик, марказий ва тижорат банклари, давлат дастурлари.

Аннотация: статье раскрыто содержание принятых в нашей стране нормативных документов по повышение уровня финансовой грамотности населения и их приоритеты. Также анализируются научные работы зарубежных и отечественных ученых, посвященные финансовой грамотности. На изученных финансовоэкономических знаний, навыков и квалификации, позволяющих принимать финансовые решения, посредством характеристики их составных частей обсуждено понятие «финансовая грамотность» и внесены авторские трактовки этой экономической категории. Финансовая грамотность сгруппирована по направлениям. При этом были даны научные предложения и практические рекомендации, направленные на формирование финансовой грамотности населения нашей страны и создание механизмов ее реализации и повышения ее эффективности.

Основные понятия: финансовая грамотность, финансовые знания, финансовые навыки и квалификация, критерии финансовой грамотности, финансовая компетентность, центральные и коммерческие банки, государственные программы.

Annotation : in the article is discussed the content of the normative documents adopted in our country to improve the level of population's financial literacy. As well

there is analyzed international and domestic scientists' investigations devoted to financial literacy. Based on the availability of financial and economic knowledge, skills and qualifications that allow making financial decisions, the concept of «financial literacy» has been discussed by characterizing their components. Financial literacy is grouped by areas. At the same time, scientific proposals and practical recommendations were given aimed еш development the financial literacy of the population of the country and creating mechanisms for its implementation and increasing its effectiveness.

Basic concepts: financial literacy, financial knowledge, financial skills and qualifications, financial literacy criteria, financial competence, central and commercial banks, government programs.

«Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг моли явий саводхонлигини ошириш, уларни молия вий хизматлар ва маҳсулотлар, жумладан, капи тал бозорини молиявий инструментлар ҳақида хабардор қилиш билан боғлиқ ташаббусларни ҳамжиҳатлиқда амалга оширган ҳолда мута садди ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш» [1] бўйича муҳим вазифалар белги лаб берилган ҳамда «20212023 йилларда капи тал бозори иштирокчиларининг молиявий савод хонлик соҳасидаги малакасини ошириш» кўзда тутилган [2]. Миллий иқтисодиётни модерниза циялаш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида молия бозорининг амал қилиши, аҳолига кўрсатиладиган молиявий хизматлар ва ишлаб чиқарилаётган молиявий маҳсулотларнинг сифатини такомиллаштиришда аҳолининг моли явий саводхонлик даражасини оширишнинг устувор йўналишларига бағишлиланган чукур илмий тадқиқотлари олиб бориш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлиги даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марка зий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ529бсон, 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ6207сон [1], 2022 йил 28 январдаги «2022 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60сон Фармонлари [2], 2019 йил 23 июлдаги «Микромо лиявий хизматлар оммаболлигий ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ4400сон қарори [3], Молиявий хизматлар оммаболлигини ошириш миллий Стратегиясини ишлаб чиқиши ва келгу сида амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи

Кириш. «Covid19» пандемияси шароитида дунё ҳамжамиятининг олдида турган ижтимоий иқтисодий масалалар таркибида аҳолининг моли явий

саводхонлигини оширишга қаратилган тизимли чоратадбирларга устуворлик қаратилди. Халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, «дунёда, шу жумладан, G20 гурӯҳига аъзо мамла катлар аҳолисининг аксарияти асосий молиявий маҳсулотлар ва ушбу маҳсулотлар билан боғлиқ рисклар юзасидан етарли билимга эга эмас лиги аниқланди» [10]. Шунингдек, «Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотига аъзо мам лакатлар аҳолисининг 56,8 фоизи молиявий савод хонлик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровномаларда минимал балл тўплаган» [11]. Халқаро экспертларнинг фикрича, бугунги кунда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг моли явий саводхонлик даражасини оширишнинг наза рий жиҳатларини такомиллаштириш ва мил лий давлат дастурлари самарадорлигини ошириш борасидаги илмий изланишларга устуворлик берилган ҳолда, бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатларда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш бўйича давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, молиявий саводхонлик дастурларини бозор иқтисодиёти компонентлари билан бойитиш, аҳолининг моли явий саводхонлиги даражасини оширишда моли явий ташкилотлар, жумладан, тижорат банкла рининг мавқеини мустаҳкамлашга бағишлиланган илмий тадқиқотлар янада фаоллашмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти талаблари асосида молия тизими кенгаш томонидан тасдиқланган «2021-2023 йил ларга мўлжалланган Молиявий хизматлар омма боплигини ошириш миллий Стратегияси» [13] ва бошқа нормативхуқукий ҳужжатларда белгилан ган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласи.

давлатлар томонидан ишлаб чиқилаётган турли стратегия, концепция, дастур ва чоратадбирларни мукаммал ишлаб чиқиш ва уни амалиётга самарали татбиқ этишда молиявий саводхонликнинг назарий асослари муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар таҳлили. Аҳолининг молия вий саводхонлигини ошириш зарурияти 2008 йилда содир бўлган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг сабаблари ва унинг салбий оқибатларида яққол намоён бўлди. Жумладан, аксарият ривожланган мамлакатларда ташқи қарзнинг ортиши, ортиқча рискни ўз зиммасига олиш ва рискни бошқаришдаги нуқсонлар, молия

секторида молиявий активлар, реал активлар баҳосининг холисона шаклланишига салбий таъсир кўрсатди [5]. Булар қуидагиларда намоён бўлди:

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараё нига тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, танланма сўровнома, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гурухлаш, эконо метрик таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

- қатор ривожланган мамлакатларда молиявий инновацияларнинг барқарор суръатларда ривожланиши, молиявий маҳсулотлар ҳажмининг ортиши ва қулай шартларда ички ҳамда ташқи молиялаш манбалари орқали истеъмол мақсадларидаги қарздорликнинг ортишига олиб келди;

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси (асосий қисм). Молиявий муносабатлар замонавий инсон ҳаётининг барча соҳаларига таъсир қиласи. Молиявий саводхонлик инсонга ўзининг молиявий фаровонлигини бошқариш имконини беради. Элементар молиявий билим ва қўникумларга эга бўлмаслик инсонларнинг молиявий фаровонлигини таъминлашда тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини чеклайди.

- ривожланаётган мамлакатларда молиявий секторнинг етарли даражада ривожланмагани ортиқча жамғармаларнинг ривожланган мамла катлар иқтисодиётидаги дефицитини молиялаш тиришга йўналтирилишига сабаб бўлди;

Микро миқёсида аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасининг пастлиги, иқтисодий оқибатлари ва хавфхатарлари, молиявий сусистеъмолликлар сонининг кўпайиши, аҳоли томонидан кредит қарздорлик даражасининг ортиши ва шахсий жамғармаларнинг самарасиз тақсимланишида намоён бўлади.

- ҳалқаро валюта тизимидағи асимметрия: Бреттон Вудс тизими таназзулидан сўнг ривожланган мамлакатларда валюта курсининг эркин сузиш режимини жорий этган ҳолда, аксарият ривожла наётган мамлакатларнинг бошқариладиган сузиш режимидан фойдаланаётганлиги.

Макроиқтисодий даражада молиявий саводхонликнинг қуий даражаси молия бозорларининг ривожланишига тўсқинлик қиласи. Жумладан, молия институтлари ва уларни тартибга солиш бўйича давлат сиёсатига бўлган ишончни пасайтиради, барча даражадаги бюджетларга қўшимча босимларни келтириб чиқаради ва иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келади. Фуқароларнинг молия бозорларидаги билимлари ва ишончнинг йўқлиги, шартнома муносабатлари ва молиянинг базавий асосларини билмаслик тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қиласи:

одамлар қандай қилиб бизнес бошлашни, бизнес лойиҳасини ташкил қилишни билмайдилар.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда молиявий иқтисодий муносабатларнинг барқарор ривож ланишида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш долзарб глобал муаммога айланмоқда.

Иқтисодий адабиётда XX асрнинг 80 йилла ридан бошлаб аҳолининг молиявий саводхон лигини оширишга бағишлиланган илмийамалий тадқиқотлар фаоллаша бошлади. Қуйидаги жад валда иқтисодий ва молиявий саводхонлик тушун чаларига иқтисодий адабиётда берилган таъриф ларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилди.

Фикримизча, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини тўғри ва аниқ таҳлил қилиш учун унинг кўламидан келиб чиқсан ҳолда тадқиқотларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Таҳлиллар кўрсатишича, молиявий саводхонлик кўламини индивидуал, хонадон хўжалиги, ҳудуд, бизнес, маълум бир иқтисодиёт тармоғи бўйича, яхлит давлат бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ (1расмга қаранг). Бу турдаги гуруҳлашни амалга ошириш орқали аҳоли

Молиявий саводхонлик тушунчасига билдирилган назарий қарашларнинг мазмуни турлича бўлсада, уларнинг ягона ғояси – бу инсон молиявий мустақиллигини ва фаровонлигининг асосий шарти бу унинг

молиявий саводхонлиги билан боғлиқлигини таъкидлашган. Аҳолининг молиявий саводхонлиигини ошириш бўйича Вебер М. [6]

1-жадвал. «Иқтисодий ва молиявий саводхонлик» тушунчаларига берилган таърифларни ривожланиш эволюцияси

Муаллифлар	Таъриф	Ўзига хос хусусиятларининг таҳлили
Вебер М. [6]	«Инсоннинг иқтисодий хулқи – субъект томонидан унинг эга бўлган ресурслар устидан назоратининг маданийлашган усули бўлиб, субъектив ва объектив равишда ресурсларнинг иқтисодий нафлиилиги нуқтаи назаридан ресурслар устидан назоратни амалга оширади»	Аҳолининг молиявий саводхонлиги инсон молиявий хулқ-авторининг ажралмас қисми ҳисобланади ва иқтисодий саводхонлик билан ўзаро мутаносиблиқда бўлади.
Друкер П. [4]	«Шахснинг иқтисодий-молиявий саводхонлиги даражаси унинг бозордаги товар ва хизматлар билан пулга нисбатан муносабатини белгилайди.	Молиявий саводхонлик иқтисодий саводхонлик билан боғлиқ тушунча бўлиб, инсоннинг ҳаётий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади.
Кийосаки Р. [8]	«Молиявий саводхонлик иқтисодий-молиявий билимларнинг самараси бўлиб, дастлаб пул топиш, жамғариш, онгли равишда жамғармани юқори самарадорликка эга инвестицияга йўналтириши, даромадини ошириши ва ўз ҳаётининг яхшилаши билан изоҳланади.	Инсоннинг молиявий саводхонлиги пул маблағларини ишлаб топиш, жамғариш, уни кўпайтириш мақсадида самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ.
Ли.Н. [7]	Молиявий саводхонлик бу аҳборот ёки имкониятлардан кўра кўпроқ бўлган маънени англатади. Молиявий саводхонлик бўйича таълим тадбирлари кўп қиррали бўлиши ва фақатгина расмий таълим тизимида ўқийдиган болалар ҳамда катталар таълими доирасида белгиланиши керак.	Молиявий саводхонлик бу молия бозорида реал молиявий операцияларни амалга оширишда инсон молиявий компетентлик даражасини намоён этишидир.
Стахович Л.В. [14]	«Молиявий саводхонлик – бу инсоннинг мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида эгаллаган молиявий-иктисодий билимлари билан ҳаётида шаклланган кўнікмаларини қамраб олади.	Инсоннинг молиявий саводхонлик асослари таълим масканларида олган билимлари билан ҳаётида ортирган малака ва кўнікмалари асосида шаклланади.
Вахабов А.В. [9]	«Молиявий саводхонлик – фуқаронинг молиявий маҳсулотлар ва хизматлар бозорида актив позициясини эгаллаши, жамиятда ўзи ва оила аъзоларининг турмуш фаровонлигини ошириш учун зарур билим ва кўнікмаларининг йигинидиси сифатида намоён бўлади.	Инсоннинг молиявий саводхонлиги бу унинг билим ва кўнікмаларини молия бозори хизматларидан самарали ҳамда фаол фойдаланишини англатади.
Шадманов Э. [10]	Молиявий фикрлаш – бу маблағларни инвестициялаш бўйича қарорларни баҳолаш малакаси ва хатти-ҳаракатларири.	Молиявий фикрлашининг ривожланиши иқтисодий фаровонликни таъминлашда аҳолининг молиявий ҳолати ва таркии тузилишининг ижобий ўзгариши баён этилган.

«Инсоннинг иқтисодий хулқи – субъект томонидан унинг эга бўлган ресурслар устидан назоратининг маданийлашган усули бўлиб, субъектив ва объектив равишда ресурсларнинг иқтисодий нафлиилиги нуқтаи назаридан ресурслар устидан назоратни амалга оширади»

Аҳолининг молиявий саводхонлиги инсон молиявий хулқатворининг ажралмас қисми ҳисобланади ва иқтисодий саводхонлик билан ўзаро мутаносиблиқда бўлади.

Друкер П. [4]

«Шахснинг иқтисодий молиявий саводхонлиги даражаси унинг бозордаги товар ва хизматлар билан пулга нисбатан муносабатини белгилайди.

Молиявий саводхонлик иқтисодий саводхонлик билан боғлиқ тушунча бўлиб, инсоннинг ҳаётий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Кийосаки Р. [8]

«Молиявий саводхонлик иқтисодий молиявий билимларнинг самараси бўлиб, дастлаб пул топиш, жамғариш, онгли равиша жамғармани юқори самарадорликка эга инвестицияга йўналтириши, даромадини ошириши ва ўз ҳаётининг яхшилаши билан изоҳланади.

Инсоннинг молиявий саводхонлиги пул маблағларини ишлаб топиш, жамғариш, уни кўпайтириш мақсадида самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ.

Ли.Н. [7]

Молиявий саводхонлик бу ахборот ёки имкониятлардан кўра қўпроқ бўлган маънени англатади. Молиявий саводхонлик бўйича таълим тадбирлари кўп қиррали бўлиши ва фақатгина расмий таълим тизимида ўқийдиган болалар ҳамда катталар таълими доирасида белгиланиши керак.

Молиявий саводхонлик бу молия бозорида реал молиявий операцияларни амалга оширишда инсон молиявий компетентлик даражасини намоён этишидир.

Стахович Л.В. [14]

«Молиявий саводхонлик – бу инсоннинг мактаб, коллеж, олий ўкув юртларида эгаллаган молиявий иқтисодий билимлари билан ҳаётида шаклланган қўникмаларини қамраб олади.

Инсоннинг молиявий саводхонлик асослари таълим масканларида олган билимлари билан ҳаётида орттирган малака ва қўникмалари асосида шаклланади.

Вахабов А.В. [9]

«Молиявий саводхонлик – фуқаронинг молиявий маҳсулотлар ва хизматлар бозорида актив позициясини эгаллаши, жамиятда ўзи ва оила аъзоларининг турмуш фаровонлигини ошириш учун зарур билим ва қўникмаларининг йигиндиси сифатида намоён бўлади.

Инсоннинг молиявий саводхонлиги бу унинг билим ва қўникмаларини молия бозори хизматларидан самарали ҳамда фаол фойдаланишини англатади.

Шадманов Э. [10]

Молиявий фикрлаш – бу маблағларни инвестициялаш бўйича қарорларни баҳолаш малакаси ва хаттиҳаракатлариdir.

Молиявий фикрлашининг ривожланиши иқтисодий фаровонликни таъминлашда аҳолининг молиявий ҳолати ва таркибий тузилишининг ижобий ўзгариши баён этилган.

Саводхонлиги даражасининг ортишини мамлакат иқтисодиётига таъсирини аниқ баҳолаш имконияти вужудга келади. Шу билан бир қаторда молиявий саводхонликни ошириш бўйича оқсаётган соҳаларни тўғри баҳолаш мумкин бўлади.

Инсоннинг индивидуал молиявий саводхонлиги унинг шахсий хусусиятларига боғлиқ ҳолда, молиявий ресурсларни бошқариш бўйича индивидуал тарзда қарорларни қабул қилишида

ўз аксини топади. Ушбу бўғин молиявий саводхонликни оширишнинг калити ҳисобланади.

Хонадон хўжаликларининг молиявий саводхонлиги даражасининг ортиши ва оилавий бюджетнинг рационаллашуви натижасида хонадон хўжалиги молиявий фаровонлигининг ортиши билан бир қаторда, хонадон хўжалиги аъзоларининг молиявий хизматларга бўлган талабининг ортиб боришида намоён бўлади. Бунда хонадон хўжаликларида молиявий ресурсларни

1-расм. Молиявий саводхонликнинг қўлами асосида гурухланиши1.

режалаштириш горизонтал кенгайиб, хонадон хўжалиги аъзоларининг молиявий хавфсизлиги таъминланади.

инвестиция киритиш имкониятлари астасекинлик билан кенгая боради.

Худуднинг молиявий саводхонлиги ушбу худудда истиқомат қилаётган аҳолининг молиявий билим, кўникма ва малакаларининг ошишида, ўз ихтиёридаги молиявий ресурсларни самарали бошқаришда намоён бўлади. Шунингдек, худудда тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакат аҳолисининг молиявий саводхонлиги даражаси давлат томонидан мазкур йўналишдаги таълим дастурларини амалга ошириши, молия ташкилотлари инфратузилмаси ривожланганлик даражаси, ҳамда молиявий хизматлар оммабоплиги қўлами билан баҳоланади. Мамлакат аҳолисининг молиявий саводхонлиги даражасининг ортиши давлат томонидан молиялаштириладиган тармоқларга аҳолининг шахсий жамғармаларининг инвестициялашуви жараёни билан ўрин алмашган ҳолда астасекин камая боради. Натижада давлат бюджети харажатлари камаяди.

Бизнес соҳасидаги молиявий саводхонлик тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш ҳамда пул ресурсларидан ва молия ташкилотлари хизматларидан самарали фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини кенгайтиришда ўз аксини топади. Бу молиявий хизматлар кўрсатувчи компанияларнинг капитализациялашуви ҳамда активлар миқдорининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда молиявий саводхонлик тушунчасига қуидагича таъриф бериш мумкин: “Молиявий саводхонлик – бу ижобий молиявий хулқатворга, таянч иқтисодий молиявий билимга, кўникма ва малакаларга эга бўлиш билан бир қаторда, тасаррufидаги молиявий ресурсларни, қисқа ва узоқ муддатли

режалаштириш ҳамда бошқаришда самарали қарорларни қабул қилишни билдиради. Ахоли молиявий саводхонлиги бу молиявий ресурсларни бошқариш жараёнида самарали қарорларни қабул қилиши, ҳақ ҳуқуқларини билиши, турли молиявийиқтисодий рискларни тўғри баҳолай олишини англатади. Инсоннинг молиявий саводхонлиги даражасининг

Иқтисодиётнинг маълум бир тармоғи бўйича молиявий саводхонлик ушбу тармоқдаги молиявий маҳсулотларнинг сифимкорлиги даражаси билан ўлчанади. Инновацияларни амалиётга татбиқ этиш жадаллашиб, инновациялар жорий этилаётган тармоқ учун хизмат кўрсатаётган молия бозорининг спекулятивлилик даражасининг пасайишига туртки бўлади ва ушбу иқтисодиёт тармоғида аҳолининг

ортиши, унинг турмуш фаровонлиги даражаси билан тўғри мутаносиблиқда боғланган. Яъни инсоннинг молиявий саводхонлиги даражасининг ортиши унинг турмуш фаровонлигининг ўсиб боришига тўғридантўғри таъсир кўрсатади, ёки аксинча”. Таклиф этилаётган “молиявий саводхонлик” иқтисодий категориясига берилган муаллифлик таърифидан келиб чиқсан ҳолда, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасининг таркибий компонентлари 1расмда келтирилган тартибда гурухланиши мақсадга мувофиқ. 1расмда келтириб ўтилган инсон молиявий саводхонлиги даражасининг таркибий компонентлари бевосита мамлакат миқёсида аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини баҳолаш мақсадида амалга оширилаётган тадқиқотлар жараёнида қўлланилиши унинг комплекслилиги ва аниқлилигини янада оширишга хизмат қиласи.

аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича давлатлар томонидан ишлаб чиқилаётган турли стратегия, концепция, дастур ва чора тадбирларни мукаммал ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга самарали татбиқ этишда молиявий саводхонликнинг назарий асослари муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, келтирилган гурухлаш амалиётидаги таркибий компонентларга қўйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: Таклиф этилаётган молиявий саводхонлик категориясига берилган муаллифлик таърифидан келиб чиқсан ҳолда, аҳолининг молиявий саводхонлик даражасининг таркибий компонентларининг 1расмда келтирилган тартибда гурухланиши мақсадга мувофиқ.



Биринчидан, молиявий саводхонлик – бу ижобий молиявий хулқатворга, таянч иқтисодий ва молиявий билимга, қўникма ва малакаларга эга бўлиш билан бир қаторда, ўз тасарруфидаги молиявий ресурсларни, қисқа ва узоқ муддатли режалаштириш ҳамда самарали бошқариш тажрибасига эга бўлишни билдиради.

Иккинчидан, молиявий муносабатлар замонавий инсон ҳаётининг барча соҳаларига таъсир қиласи. Молиявий саводхонлик инсонга ўзининг молиявий фаровонлигини бошқариш имконини беради. Элементар молиявий билим ва қўникмаларнинг йўқлиги инсонларнинг молиявий фаровонлигини таъминлаш учун тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини чеклайди.

Хулоса ва таклифлар. Аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг назарий асосларига бағишлиланган тадқиқотлар жараёнида қўйидаги хулосалар олинди:

молиявий билим – инсоннинг молиявий маҳсулотлар (депозитлар ва кредитлар) хусусият лари, инфляция, риск, солик, ва сугурта ўртасидаги муносабатларини англашини билдиради;

Учинчидан, молиявий саводхонлик кўлами бўйича индивидуал, хонадон хўжалиги, бизнес соҳасидаги муносабатлар, маълум бир иқтисодиёт тармоғи бўйича, яхлит давлат бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Бу турдаги гуруҳлашни амалга ошириш орқали аҳоли саводхонлиги даражаси ортишининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини аниқ баҳолаш имконияти вужудга келади.

молиявий қўникма ва малака – аҳоли ўз даро мад ва харажатларини режалаштириш, иқтисод қилиш, молиявий маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиш, молиявий шартномалар билан тани шиш, уларнинг мазмунини тушунган ҳолда имзо лаш қўникмалари ва малакаларига эга эканлигини билдиради;

Тўртинчидан, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини аниқлашда инсонларнинг базавий молиявий билимларга эгалик қилиши, уларда молиявий ресурсларни бошқариш бўйича қўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги, ҳамда молиявий ахборотлардан ҳабардорлик қаби мезонларга асосланилади. Ушбу уч компонент ва уларнинг таркибий элементларини ўрганиш мамлакатдаги молиявий саводхонлик даражасини баҳолашнинг содда усули ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлар амалиётида ушбу методологияни қўллаш орқали аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш бўйича дастлабки чоратадбирларни ишлаб чиқиш имконияти ва заруриятини аниқлаш мумкин. Мамлакат иқтисодиёти ривожланиб бориши натижасида молиявий муносабатларнинг

молиявий компетентлик – бу аҳолининг молиявий билими, молиявий қўникма ва малакалари асосида кундалик ҳаётида самарали молиявий қарорларни қабул қилиш қобилиятини акс этти ради.

Молиявий саводхонлик тушунчасига нисбатан билдирилган назарий қарашларнинг мазмuni турлича бўлсада, уларнинг ягона ғояси – бу инсон молиявий мустақиллигини ва фаровонлигининг асосий шарти бу унинг молиявий саводхонлиги билан боғлиқлигини таъкидлашdir. Молиявий саводхонлик тушунчасининг назарий асосларини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади, сабаби

бўйича билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш имконини берувчи электрон дарслик, видеодарс, мобиъл илова яратиш;

– аҳоли ва тадбиркорларнинг ислом молияси йўналишида билим, қўникма ва малакаларини ошириш, жумладан, илмийоммабоп мақола ва китоблар тайёрлаш, чоп этиш, тижорат банкларида босқичмабосқич ислом

тамойиллари асосида банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш, ОАВларида шу мавзуда маҳсус эшиттириш ва кўрсатувларни ташкил қилиш;

- меҳнат лаёқатига эга бўлган аҳолининг касбий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда молиявий саводхонлик даражаларини баҳолаш

тобора мураккаблашуви ушбу методологиянинг самарадорлигини пасайтириши мумкин.

Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонли гини оширишнинг долзарблигини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касбхунар коллежлари, олий ўқув юртлари ўқув режасига молиявий саводхонлик фанини киритиш;

- мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касбхунар коллежлари, олий ўқув юртлари талабалари ва ўқувчиларининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш, жумладан, ёшларга таянч молиявий билимдонлик асослари

- аҳолининг молиявий маҳсулотлар, хизматлар, молия бозори, унинг таркибий компонентлари тўғрисидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш;

- аҳолининг турли ижтимоий қатламлари учун мўлжалланган молиявий саводхонлик таълим дастурларини ишлаб чиқиш;

- аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишда давлат ва жамиятнинг ўзаро таъсир механизмини ишлаб чиқиш. Масъул ташкилотлар ва корхоналарнинг аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишдаги мавқеи ва масъулиятини кенгайтириш.

ва уларни ошириб боришга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириш;

- оммавий ахборот воситалари орқали аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга йўналтирилган кўрсатувларни, теле ва радио викториналарни мунтазам аҳолига тақдим этиб бориш;

- тадбиркорлик субъектлари учун мўлжалланган молиявий саводхонлик дастурларини ишлаб чиқиш;

- молиявий ташкилотлар хузурида жумла дан, тижорат банклари хузурида “мижозларнинг молиявий саводхонлиигини ошириш марказлари”ни ташкил этиш;

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «20222026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ60сон Фармони.
 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ6207сон Фармони.
 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 иблдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ4400 сонли қарори.
 4. Drucker P.F. Post – Capitalist Society. – Oxford Butterworth: Heinemann, 1993. – P. 271;
 5. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявийиқтисодий инқирози: саба блари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Монография. – Т.: «Akademnashr», 2009. – Б. 67.
 6. Müller S. & Weber M. (2010). Financial Literacy and Mutual Fund Investments: Who Buys Actively Managed Funds? Schmalenbach Business Review 62 (2). – P. 126153;
 7. Lee N. // Financial literacy and financial literacy education: What might be the components of an effective financial literacy curriculum? // Institute of Education University of London. 2010 P.3;
 8. Кийосаки Р.Т. Богатый пapa, бедный пapa / Р.Т.Кийосаки. – «Попурри», 2011. – С. 33;
 9. Moliyaviy savodxonlik asoslari. O‘quv qo‘llanma/ A.V.Vaxabov, Sh.A.Tashmatov, N.X.Xaydarov, A.V.Vaxabov. – Toshkent: Baktria Press, 2013. – B. 14;
 10. Шадманов Э., Хасанханова Н. Теоретические основы экономического мышления. Моно графия. – М.: «LAP LAMBERT Academic Publishing RU», 2020. – С. 64.
 11. Совершенствование национальных стратегий финансового образования. Совместная Публикация председательства Российской Федерации в «Группе двадцати» и ОЭСР. OECD., 2013. – С. 5.
 12. OECD/INFE International survey of adult financial literacy © OECD., 2020. – P. 21.
 13. “20012023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий Стратегияси”, Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегиясини ишлаб чиқиши ва келгусида амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган. Тошкент, март 2021 й.
 14. Стакович Л.В. Необходимость повышения финансовой грамотности молодежи как важнейший приоритет государственной политики. <http://ecsocman.hse.ru/text/33372918/>.
- ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2022, 5(153)**